

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ- ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx. 42.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ, ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИНИНГ
БУХОРО ИЛМИЙ ТАЖРИБА СТАНЦИЯСИ**

АТОЕВА РУХСОРА ОДИЛОВНА

**ТУРЛИ КЎЧАТ ҚАЛИНЛИГИ, МЕЪЁР ВА МУДДАТЛАРДА «ЗЕРОКС»
ИММУНОСТИМУЛЯТОРИНИ ҒЎЗАДА ҚЎЛЛАШНИНГ
МАҲСУЛДОРЛИККА ТАЪСИРИ**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of
agricultural sciences**

Атоева Рухсора Одиловна

Турли кўчат қалинлиги, меъёр ва муддатларда «Зерокс» иммуностимулятори
ни ёўзада қўллашнинг маҳсулдорликка таъсири.....3

Атоева Рухсора Одиловна

Влияние норм и сроков иммуностимулятора «Зерокс» на продуктивность
хлопчатника при различных густотах стояния.....21

Atoeva Rukhsora Odilovna

Influence of norms and terms of the immunostimulant «Zerokh» on the productivity of
cotton in different planting densities.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List published works.....43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ- ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx. 42.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ, ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИНИНГ
БУХОРО ИЛМИЙ ТАЖРИБА СТАНЦИЯСИ**

АТОЕВА РУХСОРА ОДИЛОВНА

**ТУРЛИ КЎЧАТ ҚАЛИНЛИГИ, МЕЪЁР ВА МУДДАТЛАРДА «ЗЕРОКС»
ИММУНОСТИМУЛЯТОРИНИ ҒЎЗАДА ҚЎЛЛАШНИНГ
МАҲСУЛДОРЛИККА ТАЪСИРИ**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида R2021.2.PhD/Qx752 рақам билан рўйхатга олинган.

Қишлоқ ҳўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Бухоро давлат университети ва Пахта селекцияси, уруғчилиги, етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Бухоро илмий тажриба станциясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.psuyaiti.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Икромова Маҳбуба Латиповна
биология фанлари номзоди, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Тетпаев Фатулло Жўрақулович
қишлоқ ҳўжалиги фанлари доктори, профессор

Бобоев Саидмурод Кимсанбосевич қишлоқ ҳўжалиги фанлари доктори, профессор

Етқиқчи ташкилот:

Тошкент давлат аграр университети


Фалсафа доктори (PhD) ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.05/30.12.2019. Qx. 42.01.рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "23" 12 соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., УзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ.Тел: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail: rahta.uz@mail.ru)


Фалсафа доктори (PhD) диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (119 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., УзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ.Тел: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37)


Диссертация автореферати 2021 йил « 9 » 12 тарқатилди.

(2021 йил « 9 » 12 даги 1 рақамли реестр баённомаси).



 **Ш.Н.Нурматов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

 **Ф.М. Хасанова**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, к.х.ф.н., профессор

 **Ж.Х.Ахмедов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. «Дунё қишлоқ хўжалигида экинлардан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда қўлланиладиган турли хил таъсирга эга бўлган стимуляторларга бўлган эҳтиёж йилдан-йилга ортиб, Stoller AQSH компанияси томонидан ишлаб чиқиладиган созловчи моддалар дунёнинг 60 дан ортиқ мамлакатларида қўлланилмоқда»¹. Бугунги кунда турли хил ўсишни созловчи моддалардан дунё миқёсида фойдаланиш қишлоқ хўжалигида экилган майдонларнинг 50-80% ташкил этиши амалиётда муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда турли хил биотик ва абиотик омиллар таъсирида иқлимнинг глобал иссиши, аҳоли сонининг кўпайиши, тупроқ шўрланиш даражаси ва сув танқислигининг йилдан - йилга ортиб бориши муносабати билан экинларни касаллик, зараркунанда ва стрессорларга нисбатан иммун тизимини ошириш, ҳар қандай ноқулай шароитларда ҳам турғун, юқори ва сифатли ҳосил олиш бўйича кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда ва ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Ўсишни созловчи, универсал таъсир этувчи моддалар нафақат ўсимликларни ўсиш ва ривожланишини бошқариш билан бирга, турли хил касаллик, зараркунандаларни олдини олишда, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва оширишда, ўсимликда кечадиган физиологик ва биокимёвий жараёнларни тезлаштириб, экинларни тезпишар қилиб, ҳосил ва унинг сифатини яхшилаш бўйича изланишлар олиб борилмоқда.

Республикамиз деҳқончилигида ресурстежамкор агротехнологияларни қўллаш борасида бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилиниб, кенг миқёсда амалиётга жорий этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сон 2017 йил 7 февралдаги фармони 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини яна ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”нинг 3.3 бандида “...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, замонавий ўсишни созловчи моддаларни қўллаш технологияларини жорий этиш”² каби муҳим вазифалар белгиланган. Шу боисдан, турли кўчат қалинлигида етиштирилган Бухоро-10 ғўза навининг «Зерокс» иммуностимуляторини турли меъёр, муддатларда қўллашнинг пахта ҳосили, сифати, тезпишарлик, терим салмоғи ва самарадорликка таъсирини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-5742-сон 17 июл 2019 йил “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, ПҚ-5009-сон 26 февраль 2021 йил “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2021 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва шу хусусидаги меъерий-

¹ <https://www.apk-inform.com>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги ПФ-4947-сонли фармони.

ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур илмий-тадқиқот ишлари республика фан ва технологиялар ривожланиши нинг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё миқёсида «Зерокс» иммуностимуляторини турли қишлоқ хўжалик экинларида фунгицид, бактерицид ва стимуляторлик хусусиятларини ўрганиш борасида хорижлик олимлардан Е.Д. Мыца, С.Н. Еланский, П.М. Жеребин, Ю.А. Куртяков, М.А. Побединская, Л.В. Тугаринов, Э.В. Путилин, иммуностимуляторлар бўйича J. F. Zhi; J. S. Kazimerz, И.В. Максимов, Г.Л. Бурыгин ва бошқалар ўрганишган.

“Фитовак” ва бошқа фитоалексин гуруҳига кирувчи иммуностимуляторларни ўсимликларда қўллаш бўйича М.Н. Авазхўжаев, Ш. Ахунов, М.Л. Икрамова, Б.Н. Раҳматов, Ҳ.В. Нуритдинова, Ш.Ҳ. Абдуалимов, Ж.Х. Ахмедов, Р.Ш. Тиллаев, А.Қ. Қодиров, Қ. Давронов, Ш.А. Каримовлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Бироқ, юқорида келтирилган ушбу маълумотлар «Зерокс» иммуностимуляторининг морфобиологик хусусиятларини очиқ беришга асос бўла олмайди. Чунки, «Зерокс»ни фунгицидлик ва бактерицидлик хусусиятлари Европа мамлакатларининг турли тупроқ-иқлим шароитларида экилган экин турларида ўрганилган. Шу боисдан, Бухоро вилоятининг ўртача шўрланган ўтлоқи-аллювиал тупроқ шароитида мазкур иммуностимуляторни Бухоро-10 ғўза навида турли кўчат қалинлиги ва турли меъёр, муддатларда қўллашнинг морфобиологик хусусиятларига, ҳосилдорлик, сифат ҳамда самарадорлик кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш, ушбу йўналишда назарий-амалий тадқиқотларни амалга оширишнинг долзарблигини белгилаб беради.

Тадқиқотни диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги, етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Бухоро-илмий тажриба станцияси илмий - тадқиқот ишлари режасининг (2018-2020 йй.) доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади: Бухоро вилоятининг ўртача шўрланган тупроқлари шароитида, Бухоро-10 ғўза навини етиштиришда мақбул кўчат қалинлигининг меъёр ва муддатларини белгиланган ҳолда ўсимликларни ўсиш, ривожланишини янада яхшилаш ҳамда самарадорлигини оширишга «Зерокс» иммуностимуляторини қўллашнинг таъсирини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

Бухоро-10 ғўза нави чигитини «Зерокс» иммуностимулятори билан экиш олдида ишлов беришнинг лаборатория ва дала шароитида унувчанликка ва илдиз тизимининг ривожланишига таъсирини ўрганиш;

турли кўчат қалинлигида парваришланган Бухоро-10 ғўза нави ўсимликларига «Зерокс» иммуностимуляторининг турли меъёр, муддатларда қўллашнинг ўсиш ва ривожланиш жараёнларига таъсири ҳамда касалликларга

бардошлилигини аниқлаш;

турли кўчат қалинлигида қўлланилган «Зерокс» иммуностимуляторини ўсимлик осмотик босими ва хужайра шираси концентрациясига таъсирини аниқлаш;

«Зерокс» иммуностимуляторини турли меъёр ва муддатларда қўллашнинг барг сатҳи, солиштирма зичлиги, биомасса ҳамда ҳосил элементлари тўпланиши ва соф фотосинтез маҳсулдорлигига таъсирини аниқлаш;

турли кўчат қалинлиги, меъёри ва муддатида етиштирилган Бухоро-10 ғўза нави ўсимликларига «Зерокс» иммуностимуляторини қўллашнинг маҳсулдорлик, унинг сифати, тезпишарлик ҳамда иқтисодий самарадорлигига таъсирини баҳолаш;

Тадқиқот объекти Бухоро вилоятининг ўртача шўрланган ўтлоқи-аллювиал тупроқлари, Бухоро-10 ғўза нави ва «Зерокс» иммуностимулятори олинган.

Тадқиқот предмети бўлиб, лаборатория, дала шароитида чигит унувчанлиги, илдиз тизимининг шаклланиши, ғўза касалликлари, ўсиш ва ривожланиш, осмотик босим, хужайра шираси концентрацияси, барг юзаси, барг юзаси солиштирма зичлиги, курук масса, соф фотосинтез маҳсулдорлик, ҳосил элементларининг тўкилиши, физиологик жараёнлар, ҳосилдорлик, тола ва чигитнинг технологик сифат ва иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот ишларида лаборатория, дала таҳлиллари, фенологик кузатувлар, ҳосил ва сифат кўрсаткичлар “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (ЎзПТИ, 2007) асосида ўтказилган. Ўсимлик таҳлиллари “Краткое руководство по государственному испытанию регуляторов роста”, “Инсектицид, акарицид, биологик фаол моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар”дан фойдаланилган. Осмотик босим, хужайра шираси концентрацияси рефрактометр усулида (П: 2014) ва Н.Н. Третьяков усулида, соф фотосинтез маҳсулдорлиги аниқланган, олинган маълумотлар Б.А. Доспехов услубига асосан Excel ёрдамида математик таҳлил қилинган.

Тадқиқотни илмий янгилиги куйидагилардан иборат: илк бор Бухоро вилоятининг ўртача шўрланган ўтлоқи – аллювиал тупроқлари шароитида турли кўчат қалинлигида парваришланган Бухоро-10 ғўза навининг морфофизиологик хусусиятларига «Зерокс» нинг мақбул қўллаш меъёр ва муддатлари илмий асосда ишлаб чиқилди;

лаборатория ва дала шароитида «Зерокс»ни турли меъёрлари қўлланилганда, ферментлар фаоллиги ва оқсиллар биосинтезининг ортиши сабабли, чигитнинг униб чиқиши тезлашиб, илдиз тизимининг шаклланиши ва ривожланиши яхшиланган, илдизи кучли ривожланган;

турли кўчат қалинлигида паваришланган Бухоро-10 ғўза навида турли меъёрли «Зерокс» иммуностимуляторининг мақбул меъёр, муддатлари қўлланилганда, илдиз чириш, фузариоз ва вертицеллезли вилт касалликларига нисбатан бардошлилик (мос равишда: БС - 80,1 – 93,0%) ошган;

турли кўчат қалинлигида паваришланган Бухоро-10 ғўза навида «Зерокс» иммуностимуляторини турли меъёр ва муддатларини қўллашнинг хужайра

шираси концентрацияси, осмотик босим (8% ва 1,3 атм га камайганлиги) ва барг юзасининг солиштирма зичлигининг ўзгаришига таъсирининг назарий ва амалий асослари ишлаб чиқилди;

турли кўчат қалинлигида парваришланган Бухоро-10 ғўза навида «Зерокс» ни мақбул меъёр, муддатларини қўллаш технологиялари орқали, ўсиш ва ривожланиш, барг сатҳи, биомасса, соф фотосинтез маҳсулдорлиги ҳосил элементларининг тўпланиши, ҳосилдорлик ва унинг сифат кўрсаткичлари ҳамда иктисодий самарадорликни ортишининг назарий ва амалий асослари ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўртача шўрланган тупроқ шароитида 3 хил кўчат қалинлигида Бухоро-10 ғўза навини парваришлаб, «Зерокс» ни турли меъёр ва муддатлари қўлланилганда, ғўзанинг морфологик хусусиятларига ижобий таъсир этиб, мақбул қўллаш меъёри (2 л/т; 2 л/га + ПАВ 0,15 л/га), муддати (экиш олдида чигитига ишлов, 2-4 чинбарг чиқариш, шоналаш ва гуллаш) ва кўчат қалинлиги (80-90 минг туп/га) илмий равишда аниқланган.

Бухоро-10 ғўза навида уч хил кўчат қалинлиги қолдириб, «Зерокс»ни турли меъёр ва муддатлари қўлланилганда, физиологик жараёнлардан: унувчанлик - 3 кунга, илдиз тизимининг шаклланиши дала шароитида вегетация охирида назоратга нисбатан асосий ва ён илдизлар узунлиги 26,5- 9,5 см узун ва ён фаол сўрувчи илдизлар 27 дона кўп бўлишлиги, ҳосил элементларнинг сони 27,6 донани, етилган кўсақлар сони 24,1 донани ёки 87,3%; назоратга нисбатан осмотик босим - 1,3 атм., ҳужайра шираси концентрацияси - 8% га камайганлиги (2020 йил маъл.), пишиш фазасида барг сатҳи – 0,5670 м², барг юзасининг солиштирма зичлиги – 0,57 г/дм³, қурук модда 227,3 г ва соф фотосинтез маҳсулдорлиги - 8,7 г/м², биологик ва пахта ҳосили, тола сифати ҳамда рентабеллик даражасининг ўзгариши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларини лаборатория ва дала тажриба услублардан фойдаланиб, математик-статистик таҳлиллардан ўтказилганлиги, олинган назарий маълумотлар амалий натижаларга мос келиши, изланиш натижаларининг маҳаллий ва халқаро миқёсдаги илмий ишларга қиёсланганлиги, кузатилган қонуниятлар, қилинган илмий хулосалар соҳа мутахассислари томонидан тасдиқланиб, “яхши” баҳоланганлиги ҳамда илмий-изланиш натижалари Бухоро-10 ғўза навининг мақбул кўчат қалинлигида «Зерокс»ни мақбул меъёр, муддатларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этилганлиги, Республика, халқаро миқёсдаги илмий-амалий журнал, анжуманларда муҳокама қилинганлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўртача шўрланган, ўтлоқи-аллювиал тупроқ шароитида чигит униб чиқиши, илдиз тизими шаклланиши фаоллаштириш, ғўза касалликларига нисбатан бардошлилигини ошириш, ўсиш ва ривожланиш жараёнларини яхшилаш орқали турғун, юқори ва сифатли ҳосил олишда турли кўчат қалинлигида парваришланган Бухоро-10 ғўза навида экиш олдида чигитига «Зерокс»нинг 2 л/т ва вегетация (2-4 чинбаргда, шоналашда ва гуллаш) даврларида 2 л/га + ПАВ 0,15 л/га меъёрлар билан баргидан

озилантиришнинг, мақбул қўлланилиш меъёр ва муддатларининг назарий асослари яратилганлиги билан шарҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Бухоро-10 ғўза навининг 80-90 минг туп/га кўчат қалинлигида «Зерокс»нинг 2 л/т; 2 л/га + ПАВ 0,15 л/га мақбул меъёр ва муддатлари қўлланилганда, дала унувчанлиги 3 кунга тезлашди; физиологик жараёнларнинг фаол ўтиши туфайли, биомасса, барг сатҳи, соф фотосинтез маҳсулдорлиги микдорлари ошди; осмотик босим, хужайра шираси концентрацияси ва барг юзасининг солиштирама зичлиги камайиб, қурғоқчиликка, гармселга ва ўсимлик касалликларига нисбатан бардошлилиги ортди; тезпишарлик, пахта ҳосили ва унинг сифатига ижобий таъсир этган. Шунингдек, пахтачилик фермер хўжаликларига жорий (27,5 гектар) этилганлиги ва тавсиялар берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бухоро-10 ғўза навининг мақбул кўчат қалинлигида «Зерокс»ни мўътадил меъёр, муддатларда қўллашнинг маҳсулдорликка таъсирини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида;

турли кўчат қалинлигида парваришланган Бухоро-10 ғўза навига ҳар хил меъёр ва муддатларда «Зерокс» иммуностимуляторини қўллашнинг маҳсулдорликка таъсири бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида фермер ва кластер хўжаликлари учун “Республика кластерлари ва фермер хўжаликларида Бухоро-10 ғўза навида “Зерокс” иммуностимуляторни қўллаш бўйича тавсиянома” тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 2-ноябрь 02-025-3580-сонли маълумотномаси). Мазкур тавсиянома Бухоро вилоятининг ўртача шўрланган ерларида Бухоро-10 ғўза навининг мақбул кўчат қалинлигида «Зерокс»ни мўътадил меъёр, муддатларда қўллаш бўйича қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган илғор фермер ва деҳқон ходимларига амалий қўлланма сифатида хизмат қилган;

Бухоро-10 ғўза навида 80-90 минг туп/га кўчат қалинлигида «Зерокс» нинг 2 л/т; 2 л/га + ПАВ 0,15 л/га меъёри, муддатларини қўллаш орқали унинг бактерия ва фунгицидларга нисбатан иммунитет ҳосил қилиши борасида ПСУЕАИТИ Бухоро ИТС нинг жами 10 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 2-ноябрь 02-025-3580-сонли маълумотномаси). Натижада, илдиз чириш, фузариозли ва вертицеллэзли вилт касаллиги бўйича биологик самарадорлик 66,7-88,9 % ни ташкил қилган;

Бухоро-10 ғўза навида 80-90 минг туп/га кўчат қалинлигида «Зерокс»ни 2 л/т; 2 л/га + ПАВ 0,15 л/га меъёрларини қўллаш орқали ҳосил ва унинг сифат кўрсаткичларига таъсири борасида Бухоро туман «Азимов Рўзи Умурович» фермер хўжалигида 2,5 га; Вобкент туман «Қаҳрамон Толиб» фермер хўжалигида 15 га майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 2-ноябрь 02-025-3580-сонли маълумотномаси). Натижада, дала унувчанлиги 3 кунга тезлашиб, уруғ унувчанлиги 19,3% га ортган, бир туп ғўзадаги кўсақлар сони синов майдонида ўртача 15,0 та, назорат майдонида 10,0 донани ташкил этиб, кўсақларнинг очилиш суръати 20,3% га тезлашган ва ўртача 5-6 ц/га қўшимча ҳосил олинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари ҳар (2018-

2020 йй.) йили Бухоро давлат университети ва Пахта селекцияси, уруғчилиги, етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Бухоро илмий-тажриба станциясининг махсус апробация комиссияси томонидан “яхши” баҳоланиб, ҳисоботлар ҳар йили илмий кенгашда муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида маърузалар қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий иш ва 1 та тавсиянома нашр этилган. Шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий ва илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва халқаро маълумотлар базасига кирувчи хорижий журналларда 1 та иш нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИИНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган. Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган бўлиб, тадқиқотнинг илмий янгилиги, долзарблиги, тадқиқот усуллари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижалари ни амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўсимлик ўсиши ва ривожланишида иммуностимуляторларнинг роли бўйича адабиётлар шарҳи**» деб номланган I-бобида, дунё ва республика миқёсида иммуностимуляторларнинг экин турларида чигит унувчанлигига, ўсиш ва ривожланиш ҳосил ва сифат кўрсаткичларига таъсири, иммун тизимини яхшилаш йўллари ва қўллаш меъёр ва муддатлари бўйича чет эл ва маҳаллий адабиётлар таҳлили келтирилган. Шунингдек, изланишлар мақсадидан келиб чиқиб, контактли уч ёқлама таъсир этувчи «Зерокс» ни қишлоқ хўжалик экинларида қўллашнинг илмий-амалий аҳамияти, ҳосил ва унинг сифатига, замбуруғли ва бактериал касалликларга нисбатан иммун тизимини яхшилаш борасидаги таҳлилий натижалар ёритилган.

Диссертациянинг «**Тажриба ўтказилган жойнинг тупроқ-иқлим шароити ва тадқиқот услубиёти**» деб номланган II-бобида тажрибалар Бухоро вилоятининг географик ўрни, рельефи, суғориладиган ер майдони, тупроқ-иқлим шароити тўғрисида маълумотлар баён этилган.

Илмий тадқиқот ишлари 2018-2020 йилларда Бухоро вилояти Бухоро шаҳрида жойлашган ПСУЕАИТИ Бухоро филиали таҳлиллар лабораторияси ва тажриба участкасининг сизоб сувлари 2,0-2,5 м чуқурликда жойлашган, механик таркиби оғир, ўтлоқи-аллювиал, ўртача даражада шўрланган тупроқ шароитида олиб борилди.


Ѓўзадан тезпишар, юқори ва сифатли ҳосил етиштириш учун «Зерокс» ни турли меъёр, муддатларда қўллаб, Бухоро-10 ғўза навининг мақбул кўчат қалинлигини аниқлаш технологиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш мақсадида, Республика Давлат кимё комиссияси томонидан тақдим этилган, Россияда ишлаб чиқилган уч ёқлама, контактли таъсир этувчи «Зерокс» 3000 мг/л кумуш каллоидли иммуностимуляторини турли меъёр, муддатларда ва уч хил кўчат қалинлигида қўллаш бўйича тажрибалар ўтказилган.

Изланишларда фенологик кузатувлар, лаборатория таҳлиллари ЎзПТИ да қабул қилинган “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (2007) асосида, иммуностимулятор билан чигитига ва ўсимлик органларига ишловлар “Ўсишни созловчи моддаларни давлат синовидан ўтказиш бўйича қисқача услубий кўрсатмалар”, “Инсектицид ва акарицид, биологик актив моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий қўлланмалар” ва барг сатҳи, курук масса, соф фотосинтез маҳсулдорлиги Н.Н. Третъяков (2000), чигит унувчанлиги лаборатория шароитида М.К. Фирсова (1978), илдиз тизимининг ривожланиши ва шаклланиши, барг юзасининг солиштирма зичлиги стандарт усулларда, илдиз чириш, гоммоз, фузариоз ва вертицеллэзли вилт касалликлари Маннерс шкаласи бўйича аниқланди ва Аббот формуласи ёрдамида ҳисобланди, ҳужайра шираси концентрацияси ва осмотик босим рефрактометр РПЛ-1 усулида аниқланган. Тажрибада олинган маълумотлар Б.А. Доспеховнинг “Методика полевого опыта” қўлланмаси асосида Microsoft Excel дастури асосида дисперсион таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот натижалари”** деб номланган III бобида турли меъёр ва муддатларда, ҳар хил кўчат қалинлигида «Зерокс» билан ишлов берилган Бухоро-10 ғўза навининг унувчанлиги, илдиз тизимининг шаклланиши ва ривожланиши, ҳужайра шираси ва осмотик босимининг ўзгариши, ўсиш ва ривожланиш динамикаси, ҳосил элементларининг сақланиши ва тўкилиши, курук модда, барг сатҳи, барг юзаси солиштирма зичлиги, соф фотосинтез маҳсулдорлигига таъсири ҳамда ғўзанинг илдиз чириш, вилт, гоммоз касалликларига чидамлилиги тўғрисидаги натижалар олинган.


Тадқиқотнинг дастлабки йилида лаборатория шароитида, «Зерокс» нинг 5 хил меъёрлари (1,0-1,5-2-2,5-3,0 л/т) олиниб, назорат ва эталонга қиёсланиб аниқланганда, чигит унувчанлиги мос равишда: 84,0-94,0-100,0-92,0-100,0%, 72,0% ва 92,0% ни ташкил этиб, кейинги йилларда тадқиқот ишлари «Зерокс» нинг 3 хил меъёрлари (1-2-3 л/т) ни қўллаш асосида олиб борилди.

Олиб борилган уч йиллик лаборатория таҳлилларига кўра, вариантлар бўйича энг юқори унувчанлик «Зерокс»нинг 2 л/т меъёри билан ишлов берилган вариантыда 100,0% ни, назоратда 77,0 % ва эталонда 93,0 % ни ташкил этганлиги аниқланди. Шундай қилиб, энг юқори чигит унувчанлиги «Зерокс»ни 2 л/т меъёри билан ишлов берилган уруғларда кузатилиб, назорат ва эталондаги чигит унувчанлигига солиштирилганда мос ҳолда: 23,0-7,0% ортиқ бўлиши тажрибаларда аниқланди (1-расм).



1-расм. Турли меъёрда «Зерокс» иммунностимулятори қўллаганда чигит унувчанлигига таъсири, 2018-2020 йй. (Таҳлиллар лабораторияси)

Таъкидлаш жоизки, лабораторияда ўтказилган тадқиқотнинг илмий хулосаларига кўра, дала шароитида «Зерокс»ни уч хил (1-2-3 л/т) меъёрлари танлаб олинди ва чигит унувчанлиги назорат ва эталон вариантларига таққосланиб ўрганилди.




2-расм. Дала шароитида турли меъёрлардаги «Зерокс» иммунностимуляторининг чигит унувчанлигига таъсири, %

Олинган уч йиллик илмий натижаларга кўра, унувчанлик фоизи назоратда - 72,6%, эталонда (Фитовак 200 мл/т) - 83,8%, «Зерокс»нинг (1-2-3 л/т) меъёрларида мос равишда: 80,3-90,3-87,6% ни намоён этди. Энг юқори натижа «Зерокс» 2 л/т қўлланилган меъёрида кузатилиб, дала унувчанлиги назорат ва эталон вариантларига нисбатан мос ҳолда: 17,7; 6,5% юқори бўлиши қайд этилди (2-расм) .

Олинган илмий натижаларга кўра, «Зерокс» билан турли меъёрларда ишлов берилган вариантларда, назоратга нисбатан чигитнинг униб чиқишида «Зерокс» уруғдаги эндоген фитогормонларни регуляциялаб, ўсувчи ауксин гормонини кўпайтириши ҳисобига 3 кунга тезлашганлиги, яъни препаратнинг стимулловчи таъсирга эга эканлиги билан изоҳланади.

III бобнинг 3-бўлимида 2018-2020 йй. давомида «Зерокс»нинг турли (1-2-3 л/т; 1-2-3 л/га+ ПАВ 0,15 л/га) меъёрлари 3 хил кўчат қалинлигида парваришланган Бухоро-10 ғўза навида қўлланилганда, илдиз чириш касаллигига нисбатан бардошли бўлган меъёр аниқланди.



3-расм. Ғўза касалликларидан илдиз чиришга нисбатан БС нинг вариантлар бўйича ўзгариши (2018-2020 йй.)

Натижада, илдиз чириш касаллиги бўйича ўртача уч йиллик маълумотлар таҳлил этилганда, БС (биологик самардорлик) эталон вариантыда-56,9%, «Зерокс» 1 л/т билан ишлов берилган вариантда 47,8%ни, «Зерокс» 2 л/т да 80,1% ни ва «Зерокс» 3 л/т меъёрида эса 71,7% ни ташкил этиши аниқланди (3-расм). Демак, илдиз чириш касаллиги бўйича олиб борилган 3 йиллик илмий тадқиқот натижаларига кўра, ғўзада юқори бардошлилик «Зерокс»ни 2 л/т; 2 л/га+ ПАВ 0,15 л/га меъёри қўлланилган вариантда бўлиши аниқланди.

Уч йиллик (ўрт.) изланиш натижаларига кўра, турли кўчат қалинлигида парваришланган Бухоро-10 ғўза нави амал даври охирида гоммоз, фузариоз ва вертицелллезли вилт касаллиги бўйича биологик самардорлик (БС) кўчат қалинлиги 80-90 минг туп/га, «Зерокс»ни 1-2-3 л/т; 1-2-3 л/га ва Фитовакни 200 мл/т; 200 мл/га меъёрли вариантларида гоммоз бўйича мос равишда: 100 % ни; фузариоз ва вертицелллезли вилт касаллиги ушбу вариантларда мос равишда: 76,7-93,0-93,0-76,7% ни; кўчат қалинлиги 100-110 минг туп/га ва «Зерокс»ни 1-2-3 л/т; 1-2-3 л/га меъёрлари ва эталон қўлланилган вариантларда гоммоз бўйича БС тегишлича: 93,6-100,0-100,0-93,6%ни; фузариозли ва вертицеллезли вилт бўйича: 78,7% дан ҳамда эталон вариантыда 72,3% ни ташкил этди. Кўчат қалинлиги 120-130 минг туп/га бўлган «Зерокс»нинг 1-2-3 л/т; л/га ва эталон вариантларда гоммоз касаллигини олдини олиш бўйича БС мос равишда: 85,7-100,0-100,0-85,7% ни ташкил этиб, фузариоз ва вертицелллезли вилт касаллиги бўйича кўрсаткичлар мос ҳолда: 65,0-77,2-70,2-65,0% бўлиши тадқиқотларда аниқланди.

Синов вариантлари ичида энг ижобий натижа кўчат қалинлиги 80-90 минг туп/га да парваришланган ва «Зерокс» 2 л/т; 2 л/га+ПАВ 0,15 л/га меъёрда қўлланилган 10-вариантда (гоммоз, фузариозли ва вертицелллезли вилт - БС 100,0-93,0%) кузатилди. Шундай қилиб, «Зерокс» таркибидаги кумуш ионлари

ўсимлик патогенидаги метоболитик жараёнларни тўсиб қўйиши ҳисобига микроорганизмларни нобуд бўлишига, касалликларга бардошлилиги ортади.

III бобнинг 4-бўлимида Бухоро-10 ғўза навини турли кўчат қалинлигида парваришлаб, «Зерокс»ни турли меъёр ва муддатлари қўлланилганда, хужайра шираси ва осмотик босим миқдорининг турлича ўзгариши тадқиқотларда аниқланди.

Бунда, кўчат қалинлиги 80-90 минг туп/га бўлган, 1-4-7-10-13-вариантларда бошқа кўчат қалинлиги (100-110; 120-130 минг туп/га) қолдирилган ва «Зерокс»ни 1-3 л/т; 1-3 л/га + ПАВ 0,15 л/га қўлланилган вариантларга нисбатан хужайра шираси ва осмотик босим миқдорининг камайиши тадқиқотларда кузатилди (1-жадвал).

Хужайра шираси ва осмотик босим миқдорининг ижобий кўрсаткичи кўчат қалинлиги 80-90 минг туп/га ва «Зерокс»ни чигитига 2 л/т ишлов берилган ва ғўзанинг 2-4 чинбарглик, шоналаш, гуллаш даврларида 2л/га +ПАВ 0,15л/га меъёрлари қўлланилган 10-вариантда кузатилди ва 1-назоратга нисбатан ғўзанинг барча фазаларида мос равишда: 1,0-1,0-2-1,3 атм.га фарқ борлиги аниқланди. Шундай қилиб, кўчат қалинлигининг ортиб бориши ва «Зерокс»нинг меъёр даражасидан ортиқ ёки кам миқдорда қўлланилиши, хужайра шираси ва осмотик босим миқдорининг у ёки бу даражада силжишига олиб келиши тадқиқотларда аниқланди.

1-жадвал

Ўрта шўрланган ер шароитида кўчат сони ва «Зерокс» ни қўллаш меъёрига боғлиқ холда осмотик босим ва хужайра шираси концентрациясининг ўзгариши

№	Вариантлар,	Кўчат сони, минг туп/га	Хужайранинг осмотик босими							
			2-4 чинбарг (20.05.2020 й)		шоналаш (20.06.2020 й)		гуллаш (15.07.2020 й)		пишиш (6.09.2020 й)	
			осмотик босим атм.	хужайра шираси, %	Осмотик босим атм.	хужайра шираси, %	осмотик босим атм.	хужайра шираси, %	осмотик босим атм.	хужайра шираси, %
1	Назорат	80-90	5,7	8,7	11,8	22,8	15,0	25,0	16,0	26,0
2		100-110	5,8	8,9	11,8	23,0	15,4	25,4	16,2	26,5
3		120-130	5,9	9,0	12,0	23,4	15,6	26,0	16,5	28,0
4	Эталон 200 мл/т; л/га	80-90	5,3	9,3	11,2	19,0	14,5	21,5	15,7	22,6
5		100-110	5,4	9,5	11,4	19,3	14,8	20,8	15,9	23,0
6		120-130	5,5	9,7	11,5	19,6	15,0	22,0	16,0	23,5
7	«Зерокс» 1 л/т; л/га	80-90	5,3	9,5	10,9	19,0	13,4	21,6	15,0	22,8
8		100-110	5,4	9,7	11,1	20,0	14,4	22,0	15,2	23,2
9		120-130	5,6	10,1	11,4	21,0	14,6	23,0	15,4	23,8
10	«Зерокс» 2 л/т; л/га	80-90	4,7	8,8	10,8	16,3	13,0	17,5	14,7	18,0
11		100-110	5,1	8,4	10,9	16,5	13,4	17,7	15,0	18,5
12		120-130	5,3	9,9	11,1	16,8	13,7	18,0	15,1	18,7
13	«Зерокс» 3 л/т; л/га	80-90	5,1	9,2	10,9	17,0	13,8	18,3	14,9	18,9
14		100-110	5,2	9,6	11,0	17,4	13,9	18,7	15,2	19,3
15		120-130	5,3	10,0	11,3	18,0	14,1	19,2	15,4	20,5


«Зерокс» препаратини турли меъёр, муддатларда кўчат қалинлигига боғлиқ равишда ўсиш ва ривожланиш динамикасига оид натижалар. Бунда, ғўзанинг илк ўсиш фазасида вариантлар орасидаги тафовут айтарли

даражада фарқ қилмади. Лекин, кўчат қалинлигига ва «Зерокс»ни қанча меъёр ва муддатларда қўлланилганига қараб, ғўзанинг шоналаш, гуллаш ва пишиш фазаларида вариантлар орасида ўсимлик бўйи, ҳосил шохи ва ҳосил элементларининг тўпланиши, етилган кўсақлар сони, очилгани ва очилиш фоизи бўйича кўрсаткичларида фарқ борлиги кузатилади. Энг ижобий биометрик кўрсаткичлар кўчат қалинлиги 80-90 минг туп/га бўлган ва «Зерокс» ни экиш олдида чигитига 2 л/т ва ўсимлик вегетацияси даврларида 2 л/га + ПАВ 0,15 л/га меъёрларини баргидан озиклантирилганда, (ўртача уч йил) ғўзанинг бўйи: 98,3 см, ҳосил шохи 15,8 дона, бир туп ғўзада тўпланган ҳосил элементларидан етилган кўсақлар сони 18,6 донани ташкил этган ҳолда очилган кўсақлар сони 11,3 дона ва очилиш фоизи сентябрнинг 10 санасигача 60,7 % дан иборат бўлиб, назорат (ўсимлик бўйи: 83,0 см, ҳосил шохи: 14,0 дона, етилган кўсақлар сони: 12,1 дона; очилган кўсақлар сони: 5,1 дона ва очилиш фоизи 10-сентябргача 42,1%) га нисбатан ушбу кўрсаткичлар мос равишда: 15,3 см, 1,8 дона; 6,5 дона; 6,3 дона, 18,6% юқори бўлди.

Олиб борилган тадқиқотларнинг 2020 йили «Зерокс»нинг турли меъёр (1-2-3 л/т; 1-2-3 л/га + ПАВ 0,15л/га) ва муддатлари 3 хил кўчат қалинлигида парваришланган Бухоро-10 ғўза нави билан назорат ва эталон вариантларига қиёслаб ўрганилганда, кўчат қалинлиги 80-90;100-110 ва 120-130 минг туп/га қолдирилган 1-4-7-10-13; 1-4-7-10-13; 2-5-8-11-14; 3-6-9-12-15-вариантларда бир туп ўсимликдаги умумий ҳосил элементлари сони пишиш фазасида мос равишда:18,5-21,0-20,1-27,6-22,3 дона; 15,7-15,1-15,1-19,4-21,0 дона; 10,8-12,0-11,8-17,5-20,5 донани ташкил этди.

Шунингдек, етилган кўсақлар сони 1-назоратда 12,7 дона бўлса, «Зерокс» қўлланилган 7-10-13-вариантларда мос равишда:15,3-24,1-16,8 тадан иборат эканлиги тадқиқотларда аниқланди (4-расм).

Демак, ўрганилган тадқиқотлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, вариантлар ичида ҳосил элементларнинг сақланиб қолишида энг ижобий натижа 10-вариантда кузатилиб, етилган кўсақларнинг сақланиб қолиши 87,3% ни ва назоратга нисбатан 18,7% юқори кўрсаткични намоён этди



4-расм. Ҳосил элементларини сақланиши ва тўқилиши бўйича маълумотлар, 2020й.

Қуруқ модда, барг сатҳи ва фотосинтез маҳсулдорлиги ғўзанинг барча ўсув фазаларида ўрганилиб чиқилди. Олиб борилган уч йиллик тадқиқотларга

кўра, куруқ модда тўплаши кўчат қалинлиги 80-90; 100-110 ва 120-130 минг туп/га ва «Зерокс»ни 1-2-3 л/т; 1-2-3 л/га+ПАВ 0,15 л/га меъёрлари қўлланилган 7-15-вариантларда пишиш фазасида мос равишда: куруқ масса миқдори ушбу 7-15 вариантларда мос равишда: 182,7-153,0-132,7-227,3-201,0-158,7-208,7-173,0-148,7 г/ўсимликни ташкил этди (2-жадвал).

Барг сатҳи миқдори ушбу 7-15 вариантларда мос равишда: 5010-4417-3935-5670-5323-4405-5329-4623-4159 см² ни ташкил этди, энг ижобий натижа 80-90 минг туп/га кўчат қалинлигида парваришланган Бухоро-10 ғўза навида «Зерокс»ни 2 л/т; 2 л/га+ПАВ 0,15 л/га меъёри қўлланилган 10-вариантда кузатилиб, биринчи назоратга нисбатан барг сатҳи 957 см² катта ва куруқ масса 227,3 г/ўсим. кўп тўпланиши аниқланди.

Турли меъёрдаги «Зерокс» иммуностимулятори ғўзанинг соф фотосинтез маҳсулдорлигига таъсири тадқиқ этилганда, энг ижобий натижа кўчат қалинлиги 80-90 минг туп/га бўлган вариантларда кузатилди. Бунда, назорат 1-вариантда 7,6 г/м² ни, эталон 4-вариантда 8,1 г/м² ни, «Зерокс» 1-2-3 л/т;1-2-3 л/га+ПАВ 0,15 л/га меъёрли вариантларда эса мос равишда: 7,9-8,7-8,5 г/м² эканлиги аниқланди (1-жадвал).


Диссертациянинг «Қўлланилаётган омилларни ғўзанинг биологик кўрсаткичлари, пахта ҳосили ва унинг сифатига таъсири» деб номланган IV-бобида 2020 йилги олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилиб, турли кўчат қалинлигида парваришланган Бухоро-10 ғўза навида «Зерокс» нинг турли меъёр ва муддатлари қўлланилганда, биологик кўрсаткичлар ва пахта ҳосили миқдорига таъсири турлича бўлиши аниқланди.

2 – жадвал

Ҳар хил кўчат қалинлигида парваришланган Бухоро-10 ғўза навида турли меъёр ва муддатларда «Зерокс» иммуностимуляторини қўллашнинг барг сатҳи, куруқ модда тўплаши ва фотосинтез маҳсулдорлигига таъсири, (ўртача 3 йиллик)

т/р	Вариантлар, қўллаш меъёрлари,	Кўчат қалинлиги, минг туп/га		2-4 чинбарг лигида куруқ масса, г(В ₁)	Пишиш даври да куруқ масса, г(В ₂)	90 кунда куруқ массани ўсиши (В ₂ -В ₁)	Барг юзаси, м ²		СФМ г/м ²
		Режалаш тирилган кўчат	11,1 п. м даги хақикий кўчат				Вегетация бошида(Л ₁)	Вегетация охирида (Л ₂)	
1	Назорат	80-90	80,7	1,0	164,0	163,0	0,00695	0,4713	7,6
2		100-110	98,0	1,2	137,0	135,8	0,00436	0,4159	7,2
3		120-130	112,5	0,97	117,0	116,0	0,00381	0,3686	6,9
4	Фитовак 200мл/т; л/га	80-90	82,0	1,4	192,0	190,6	0,00605	0,5172	8,1
5		100-110	101,0	1,0	156,0	155,0	0,00607	0,4370	7,8
6		120-130	117,0	1,3	138,7	137,4	0,00497	0,3980	7,7
7	Зерокс 1л/т;л/га	80-90	83,7	1,5	182,7	181,2	0,00559	0,5010	7,9
8		100-110	102,0	1,5	153,0	151,5	0,00380	0,4417	7,6
9		120-130	115,0	1,5	132,7	131,2	0,00381	0,3935	7,3
10	Зерокс 2 л/т;л/га	80-90	83,0	1,7	227,3	225,6	0,00916	0,5670	8,7
11		100-110	103,0	1,5	201,0	199,5	0,00690	0,5323	8,2
12		120-130	117,5	1,3	158,7	157,4	0,00603	0,4405	7,8
13	Зерокс 3л/т;л/га	80-90	81,0	1,5	208,7	207,2	0,00768	0,5329	8,5
14		100-110	101,0	1,5	173,0	171,5	0,00653	0,4623	8,1
15		120-130	116,0	1,2	148,7	147,5	0,00606	0,4159	7,8

Барг сатҳи ва брг юзасининг солиштирма зичлиги барча вариантлар кесимида ўрганилганда, энг ижобий натижа кўчат қалинлигини 80-90 минг туп/га қолдириб, «Зерокс» препаратини чигитига экиш олдидан 2 л/т ва ғўза вегетацияси даврида 2 л/га + ПАВ 0,15 л/га меъёрда қўлланилган 10-вариантда бир ўсимликдаги барг сатҳи 5,667 дм², барг юзасининг солиштирма зичлиги 0,57 г/дм² ташкил қилиб, 1-вариантга нисбатан мос равишда: 1,163 дм²/ўсимлик кўп ва 0,53 г/дм² кам эканлиги аниқланди (5-расм).



5-расм. «Зерокс» ни турли меъёр, муддатларда ва кўчат қалинлигига боғлиқ равишда қўлланилганда барг сатҳи ва барг юзаси солиштирма зичлигига таъсири, 2020й.

Ғўзанинг пишиш фазасида (2020 йил 10 октябрь ҳолатида) кўчат (80-90; 100-110; 120-130 минг туп/га) қалинлигига ва «Зерокс»ни 1-2-3 л/т; 1-2-3 л/га+ ПАВ 0,15 л/га қўлланилган меъёр ва муддатига қараб, умумий биомассада пахта-хомашё ҳиссаси пахта-хомашё ҳиссаси 42,3 дан 86,1 г ача, пояси 26,1-46,2 г, барг массаси 22,8-34,9 г, барг банди 2,2-5,8 г да, илдиз 15,5-23,1 г, ҳосил шохлари 12,7-18,9 г, чаноқ 13,9-31,0 г интервалдаги миқдорларни ташкил этди.

Назорат вариантыда 3 хил кўчат қалинлигига боғлиқ равишда умумий биомассада пахта-хомашёси - 36,2-51,0 г, пояси - 32,2-33,7 г, барг массаси- 14,1-25,0 г, барг банди -2,1-4,0 г, илдиз- 15,2-17,0 г, ҳосил шохлари- 12,7-14,1 г ни, чаноқ-8,9-20,0 г гачани ташкил этди. Шунингдек, эталон вариантыда турли кўчат қалинлигига боғлиқ равишда умумий биомассада пахта-хомашёси- 46,2-66,0 г, пояси- 30,8-41,6 г, барг массаси- 19,8-24,2 г, барг банди - 3,0-4,1 г, илдиз-16,4-22,6 г, ҳосил шохлари-12,2-20,0 г, чаноқ-15,8-22,6 г гача оралиқдаги кўрсаткичларни ташкил этиши аниқланди.

Ғўза вегетациясининг охириги фазасида, пахта ҳосили кўчат қалинлиги 80-90 минг туп/га бўлган, назорат, эталон ва «Зерокс»ни 1-2-3 л/т; 1-2-3л/га+ ПАВ 0,15л/га меъёрларда қўлланилган 1-4-7-10-13-вариантларида мос равишда: 40,8-46,3-44,1-52,5-50,5 ц/га; кўчат қалинлиги 100 -110 минг туп/га қолдирилган 2-5-8-11-14-вариантларда мос равишда: 36,5-44,2-42,5-50,8-49,5 ц/га; кўчат

қалинлиги 120-130 минг туп/га қолдирилган 3-6-9-12-15-вариантларда мувофиқ равишда: 35,9-40,4-40,1-49,7-47,6 ц/га ни ташкил этди (6-расм).

Шунингдек, мойдорлик ва толанинг сифат кўрсаткичлари таҳлил этилганда, турли кўчат қалинлиги ва «Зерокс» билан чигитига ишлов берилган ва ғўзанинг амал даврларида турли меъёрда қўлланилганлигига қараб, бир кўсак оғирлиги, мойдорлик ва тола узунлиги назоратга нисбатан юқори кўрсаткичларни ташкил этди.



6-расм. Ғўзани турли кўчат қалинлигида парваришлаб, «Зерокс»ни турли меъёр, муддатларда қўллашнинг пахта ҳосилига таъсири.

Диссертациянинг «Ҳар хил кўчат қалинлигида парваришланган ғўзанинг Бухоро-10 навида контактли таъсир этувчи «Зерокс» ни турли меъёр ва муддатда қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги» деб номланган бешинчи бобида синалаётган вариантлар ичида энг юқори рентабеллик «Зерокс»ни 2 л/т меъёрида чигитга ва ғўзанинг ўсув даврларида 2 л/га+ПАВ 0,15 л/га меъёрда қўлланилганда, юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштирилгани ҳисобига, иқтисодий самарадорликни ортиши кузатилганлиги таъкидланган. Натижада, гектарига 10549185 сўм кўп соф фойда олиниб, рентабеллик 72,2 %ни ташкил этди ва назоратга нисбатан 21,8 % юқори бўлганлиги аниқланди.

ХУЛОСАЛАР

1. Дала шароитида Бухоро-10 ғўза нави чигитига «Зерокс» ни 3 хил меъёрида чигитига ишлов бериб, вегетация даврларида суспензияланганда, энг мақбул меъёр (2 л/т; 2 л/га + ПАВ 0,15 л/га) ва (2-4 чинбарглик, шоналаш ва гуллаш фазаларида) қўллаш муддатлари ва кўчат қалинлиги (80-90 минг туп/га) илмий равишда аниқланди. Унувчанлик назоратга нисбатан – 17,7 % юқори бўлиб, 3 кун олдин униб чиқиши кузатилди. Лаборатория шароитида эса унувчанлик 23,0 % юқори бўлган.

2. Илдиз тизимининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари лаборатория шароитида энг юқори натижа «Зерокс» нинг 2 л/т қўлланилган вариантда кузатилиб, препарат таъсирида гипокотиллардаги ўсиш ва ривожланиш жараёнлари тезлашганлиги, асосий илдиз узунлиги 55,4 мм, ён фаол илдиз узунлиги 32,0 мм, унинг сони 19 донани ташкил этиб, назоратга

нисбатан мос равишда: 19,4 мм, 19 мм, 12 дона юқори бўлди. Шунингдек, дала шароитда ўсув-амал даврида «Зерокс» нинг мақбул меъёри ва кўчат сони (80-90 минг туп/га) таъсирида ризогенез жараёнларининг интенсивлашуви натижасида вегетация охирида асосий (63,5 см), ён илдизлар узунлиги (23,5 см) назоратга нисбатан 26,5-9,5 см узун ва ён фаол сўрувчи илдизлар (46 та) сони 27 дона кўп бўлиши аниқланди.

3. Ғўза касалликларига нисбатан «Зерокс» ни энг мақбул меъёр ва муддати, мақбул кўчат қалинлиги (80-90 минг туп/га) қўлланилганда, БС илдиз чириш касаллиги - 80,1%, пишиш фазасида гоммоз касаллиги бўйича 100,0% ва фузариозли ва вертицеллезли вилт бўйича БС-93,0% га яхшиланди.

4. Ғўзанинг ўсув даврида «Зерокс»ни 2 л/т; 2 л/га+ПАВ 0,15 л/га меъёр, муддатларда қўллаб, кўчат қалинлиги 80-90 минг туп/га қолдирилганда хужайра шираси концентрация ва осмотик босими пишиш фазасига келиб, назоратга нисбатан хужайра шираси концентрация - 8 % га ва осмотик босим 1,3 атм. га камайганлиги аниқланди.

5. Ўртача шўрланган тупроқлар шароитида ғўзанинг ўсиш ва ривожланиш динамикасига энг мақбул кўчат қалинлиги 80 – 90 минг туп/га қолдирилган ва «Зерокс» ни 2 л/т; 2 л/га+ПАВ 0,15 л/га меъёри қўлланилган 10-вариант бўлиб, (ўрт. 3 йил.) бир туп ўсимлик бўйи 98,3 см, ҳосил шохи 15,8 дона, етилган кўсаклар сони 18,6 дона, шундан очилгани 11,3 донани ташкил этиб, кўсакларнинг очилиш фоизи 60,7 % дан иборат бўлди ва назоратга нисбатан ушбу кўрсаткичлар мос равишда: 15,3 см, 1,8 дона, 6,5 та, 6,2 та, 18,6 фоиз юқори бўлганлиги аниқланди.

6. Бир туп ғўзада ҳосил элементларнинг ҳосил бўлиши ва сақланиб қолиши бўйича энг юқори натижа кўчат қалинлиги 80-90 минг туп/га бўлган ва чигитига «Зерокс» ни 2 л/т меъёрда ишлов бериб, ўсув даврларида 2 л/га +ПАВ 0,15л/га меъёрда қўлланилганда кузатилиб, ғўзанинг пишиш фазасида жами тўпланган ҳосил элементлари сони 27,6 донани, етилган кўсаклар сони 24,1 донани ёки 87,3% бўлиб, назоратга нисбатан 11,4 дона ёки 18,7% юқори бўлганлиги аниқланди.

7. «Зерокс» ни чигитга 2 л/т ва ўсимлик вегетацияси даврларида 2 л/га +ПАВ 0,15 л/га меъёри билан суспензиялаб, кўчат қалинлиги 80-90 минг туп/га қолдирган 10-вариантда энг юқори барг юзаси, қуруқ модда тўплаши ва соф фотосинтез маҳсулдорлиги кузатилиб, бир ўсимликдаги барг сатҳи (пишиш фазасида) $0,5670 \text{ м}^2$; қуруқ модда тўплаши 227,3 г, соф фотосинтез маҳсулдорлиги $8,7 \text{ г/м}^2$ ни ташкил этиб, назоратга нисбатан мос равишда: $0,0957 \text{ м}^2$, 63,3 г, $1,1 \text{ г/м}^2$ юқори кўрсаткичларни намоён этди.

8. Турли меъёр, муддатларда «Зерокс» ни чигитга 2 л/т ишлов бериб, вегетация даврида (2 л/га + ПАВ 0,15 л/га) суспензияланган ва кўчат қалинлиги 80-90 минг туп/га қолдирилганда биологик кўрсаткичларидан (2020 й маъл.): барг сатҳи $5,667 \text{ дм}^2/\text{ўсим.}$, барг юзасининг солиштирма зичлиги- $0,57 \text{ г/дм}^3$ ни; ғўзанинг пишиш фазасида умумий биомассада пахта хомашё ҳиссаси 86,1 г, пояси 46,2 г, барг массаси 34,9 г, барг банди 5,8 г да, илдиз 23,1 г, ҳосил шохлари 18,9 г, чаноғи 31 г ни, ҳосилдорлик, тола ва чигитнинг сифат кўрсаткичларидан: пахта ҳосили - 52,5 ц/га, 1000 чигит оғирлиги - 140 г, 1 кўсак

оғирлиги-7,2 г, тола узунлиги-35,3 мм, тола чиқими-40%, чигит мойдорлиги-22,6 % ни ташкил этиб, назоратга нисбатан мос равишда: кўшимча ҳосил 11,7 ц/га, 1000 чигит оғирлиги 7 г, бир кўсак оғирлиги 1,2 г, тола узунлиги 1,1 мм, тола чиқими 2,5%, чигит мойдорлиги 1,5% юқори бўлди.

9. Энг юқори рентабеллик «Зерокс»ни 2 л/т; 2 л/га+ПАВ 0,15 л/га меъёрларда қўлланилган ва кўчат қалинлиги 80-90 минг туп/га қолдирилган да кузатилиб, 72,2 % ни ташкил этиб, назоратга нисбатан 21,8 % юқори бўлди.

10. Бухоро вилоятининг ўртача шўрланган, ўтлоқи-аллювиал тупроқларида Бухоро-10 ғўза навидан эртаки, сифатли ва мўл ҳосил олишни таъминлаш учун «Зерокс» иммуностимуляторини қуйидаги тартибда қўллаш тавсия қилинади:

«Зерокс» иммуностимуляторини бир тонна уруғли чигитга экиш олдидадан 2,0 л меъёрида ишлов бериш;

амал ўсув даврида эса, яъни ғўзанинг 2-4 чинбарг, шоналаш ва гуллаш даврларида «Зерокс» ни 2,0 л/га + ПАВ 0,15 л/га меъёрларида қўллаш тавсия қилинади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/30.12.2019.Qx. 42.01. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ, СЕМЕНОВОДСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ
ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА**

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ
БУХАРСКИЙ ФИЛИАЛ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОГО
ИНСТИТУТА СЕЛЕКЦИИ, СЕМЕНОВОДСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ
ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА**

АТОВА РУХСОРА ОДИЛОВНА

**ВЛИЯНИЕ НОРМ И СРОКОВ ИММУНОСТИМУЛЯТОРА «ЗЕРОКС» НА
ПРОДУКТИВНОСТЬ ХЛОПЧАТНИКА ПРИ РАЗЛИЧНОЙ ГУСТОТЕ СТОЯНИЯ**

06.01.08 – Растениеводство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ - 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам
зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики
Узбекистан за В2021.2.PhD/Qx752.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Бухарском государственном
университете и в Бухарском филиале научно-исследовательского института селекции, семеноводства
и агротехнологии выращивания хлопка.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен
на веб-странице Научного совета (www.psuayiti.uz) и на Информационно-образовательном портале
«ZiyoNet» (www.ziyounet.uz).

Научный руководитель

Икромова Махбуба Латиповна
кандидат биологических наук, старший
научный сотрудник

Официальные оппоненты:

Ташаев Фатулло Журакулович
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Бобоев Саидмурод Кимсанбиевич
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Ведущая организация:

**Ташкентский государственный аграрный
университет**


Защита диссертации состоится "23" 12 2021г. в 13⁰⁰ часов на заседании Научного
совета DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 при Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства
и агротехнологии выращивания хлопчатника. (Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский
район, С.Г.М. Ботаника, ул УзПИТИ, НИИССАВХ Тел: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-
37; e-mail: paxtauz@mail.ru.)


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-
исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопчатника
(Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, С.Г.М. Ботаника, ул. УзПИТИ,
НИИССАВХ Тел: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871)150-61-37.)


Автореферат диссертации разослан « 9 » 12 2021 года.

(реестр протокола рассылки № 1 от « 9 » 12 2021 года.)




Ш.Н.Нурматов
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.с.х.н.,
профессор


Ф.М. Хасанова
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, к.с.х.н.,
профессор


Ж.Х.Ахмедов
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению ученых
степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. «В мире для выращивания высокого и качественного урожая сельскохозяйственных культур из года в год увеличивается потребность к различным действующим стимуляторам, производимые компанией Stoller США, применяемые в более чем 60 странах мира¹». В настоящее время в мировом масштабе применение различных видов стимуляторов на полевых сельскохозяйственных культурах составляет 50-80%, имеющее важное значение в научно-практической значимости.

В мире под влиянием биотических и абиотических факторов, приводящих к глобальному потеплению, увеличения из года в год численности населения, повышения степени засоления почв и дефицита воды приводящим к повышению иммунной системы культур против болезни, вредителей и стрессовых состояний, по получению устойчивого, высокого и качественного урожая в разных экстремальных условиях проводятся широкомасштабные научные исследования и дают свои положительные результаты. Стимуляторы роста, универсально действующие вещества наряду с управлением роста и развития растений, также предотвращают от разных заболеваний и вредителей, сохраняют и повышают плодородие почвы, ускоряют физиологические и биохимические процессы, проходящие в растениях, ускоряют созревание, улучшается урожай и его качество.

В земледелии Республики приняты ряд постановлений и указы по применению ресурсосберегающих агротехнологий и широко внедряются в производстве. В Постановлении Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года за № ПП-4947 в стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на период 2017-2021 годы в разделе 3,3 предусмотрены важные задачи «интенсивное развитие сельскохозяйственного производства, укрепление продовольственной безопасности, расширение производства экологически чистых продуктов, внедрение технологий применения современных ростовых веществ»². В связи с этим актуальной является проведение научных исследований по разработке влияния применения разных норм и сроков иммуностимулятора «Зерокс» на хлопчатнике сорта Бухоро-10 возделанного при разной густоте стояния на урожай хлопка-сырца, качество, скороспелость, вес сбора урожая и на эффективность.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, намеченных в Указе Президента Республики Узбекистан от 17 июля 2019 года за № ПП-5742 «О мерах по рациональному использованию земельных и водных ресурсов в сельском хозяйстве», от 26 февраля 2021 года за № ПП-5009 «О мерах по осуществлению в 2021 году намеченных задач в стратегии рассчитанных на 2020-2030 годы по развитию сельского хозяйства в Республики Узбекистан», а также в других нормативно-правовых документах,

¹ <https://www.apk-inform.com>

² Указ Президента Республики Узбекистан за № ПП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года.

принятых в этом направлении.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данная работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

